

ЎЗБЕК-ЎИРҒИЗ—ҚОН-ҚАРДОШ

ДЎСТЛАР ДИЁРИГА

Бепойиш мамлакатимизда, қардош республикаларда адабиёт ва санъат декадаларини ўтказиб туриш шонли традицияга айланган. Декада—бу сўз кундалик ҳаётимизга сингиб, қардош халқларнинг ажойиб маданият ва санъат соҳасида эришган ютуқларининг тантаналари рамзига айланган.

Бу анъана совет иқтисодий ва давлат тузуми моҳиятидан келиб чиқиб, тузумимизнинг интернационал характери, коммунистик партиянинг миллий етасилини яқин эътиборга олиши билан аниқланади. СССР халқлари дўстлигини ҳар томонлама мустақамлашда, томонлиқ маданиятларини ютуқларини болажанга қилишда, маънавий бойлиқларини кўпайтиришда катта роль ўйнаб, коммунизм моддий-техника базасини яратибдики муҳим вазифа билан ушунга бўлибди.

Бизнинг республикамизда келинган йилларда бир қанча қардош республикаларнинг адабиёт ва санъат декадалари ўтказилди. Утган йили куз ойида Қирғизистон санъат ва адабиёт, фан ва маданият вакиллари

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ СЕКРЕТАРИ РАҲМАТ ҲАЙИЙ БИЛАН СУҲБАТ

Бизнинг республикамизга меҳмон бўлиб келдилар. Қирғизистон адабиёт ва санъат декадаси икки қардош халқ маданият ҳаётида катта воқеага айланган.

Мана бугун биз дўстлар диёрига—қардош Қирғизистонга йўл оламиз. 1 июндан бошлаб Қирғизистонда ўзбек адабиёти ва санъат декадаси ўтказилган. Қардош қирғиз дўстларимиз диёрига элимизнинг санъат ва адабиёт вакиллари катта бир гуруҳи ижодий учрашувлар учун сафарга отланмоқдалар. Республикамиз ёзувчилари ўзларининг ижодий режалари ва ишлари ҳақида ҳисоб берадилар. Шу билан бирга қирғизистонлик қалам соҳиблари билан ижодий ҳамкорликни янада мустақамлаш йўлида фикрлашиб оладилар.

Қирғизистонга ўзбек ёзувчилари билан бирга моҳир санъаткорлар, композиторлар, расмлар ва кинематография хо-

димлари ҳам меҳмон бўлиб борадилар. Улар қардош эл меҳнатқиллари орасида ўзларининг ижодий муваффақиятларини намойиш қиладилар.

Биз, ўзбек ёзувчилари декадада қардош қирғиз қалам соҳибларининг ўзбек тилида нашр этилган китобларини совға қилиб олиб бораёламиз. Республикамиз нашриётлари қирғиз халқ эноси «Манас», атоқли қирғиз ёзувчилари Тугулбой Сидиқбеков, А. Ҳўкумбеков, Қ. Маликов, Чингиз Айтматов ва бошқаларнинг китобларини нашр этиб, китобхоналарга тақдим этган. Уларнинг асарлари халқимиз томонидан севиб ўқиб келинмоқда. Биз Қирғизистонга дўстларимизнинг ўзбек тилига таржима қилинган китобларини олиб бораёламиз, у ерда қирғиз ёзувчиларининг янги асарлари билан танишиш имкониятига эга бўламиз. Қирғизистон ёзувчилар Союзига бўладиган учрашувда ўз режаларини ҳақида сўзлаб берамиз.

Шунингдек, қирғиз ёзувчи дўстларимизнинг янги асарлари билан ҳам танишамиз. Улардан энг яхшиларини ўзбек китобхоналарига таржима қилиб тақдим этиш учун ўзимиз билан бирга олиб келамиз.

Биз ўн кун мобайнида кўп жойларни кўришга муяссар бўламиз. Декада кунлари вақтида қардош қирғиз халқининг халқ ҳужалигининг турли соҳаларида эришган ютуқлари билан танишиб, Қирғизистоннинг ажойиб водийларида, гўзал шаҳар ва қўрғонларида, сўли йилловларида бўлиб, у ерларда меҳнатқиллар билан учрашамиз. Бу учрашувлар бизни янги ижодий режаларга бошлайди. Қардошлар ютуғи бизнинг илҳом даргоҳига бошлайди. Бу учрашувлар бизнинг юрагимизда сўнамас дўстлик меҳри бўлиб қолади, бизни янги асарлар яратишга илҳомлантиради, чунки дўстлар диёридаги ҳар бир учрашув биз, ёзувчиларга, янги илҳом манбаидан баҳраманд бўлишга йўл бошлайди.

Қирғизистонда ўтказиладиган Ўзбекистон адабиёт ва санъат декадаси мамлакатимиз халқлари дўстлигининг ёрқин намойишига айланади.

ИЖОДИЙ
ҲАМКОРЛИК

Қирғизистонда Ўзбекистон адабиёт ва санъат декадаси бошланади. Декадада ўзбек ёзувчиларидан ўн икки киши вакил бўлиб бормоқда.

Мен ҳам қаламаш дўстларимиз билан бирга дўстлар диёрига бораётганимдан бениҳоя хурсандман. Чунки меннинг ёшлгим қардош Қирғизистоннинг оромбахш дилрабо Иссык-Кул соҳилларида ўтган. Биринчи қаламни қирғиз диёрида қўлга олганман. Шунинг учун ҳам бу сафар менга нақадар қувончли эканлигини айтишга сўз топпайман.

Мен қирғиз ёзувчиларининг ҳар бир янги асарини ўқиб бораман. Қардош эл қалам соҳибларининг кўллари билан яқиндан танишман. Улар билан хат ёзиш, ижодий режалари ҳақида хабардор бўлиб тураман. Мен қирғиз адабиётининг янги асарларидан Тугулбой Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари» романини ўзбек тилига таржима қилганман. Бу романда улкан адиб қирғиз халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фидокорона меҳнатини ҳикоя қилган. Ёзувчи романда кўпмиллатли совет халқларининг маънавий бойлигини, мустақам дўстона муносабатларини, бу дўстлик натижасида фашистлар Германияси яқсон этилиб, унинг устидан улуг ғалаба қўлга киритилганлигини ёрқин бўёқларда тасвирлаган. Мен бу романи таржима қилиб, китобхоналаримизга тақдим этар эканман, улкан адибнинг ижодий ҳазинаси чексиз эканлигини билдим. Мен Т. Сидиқбековнинг «Тоғ бодалари» романини ҳам ёш китобхоналаримизга таржима қилиб тақдим этдим.

Қирғиз ёзувчиларидан Муса Жонгозиевнинг «Аюбий тоғлар», шунингдек Қубанибек Маликовнинг шеърлар тўпламларини ҳам таржима қилдим. Мен дўстлар диёрига меҳмон бўлиб бораё эканман, ҳамқалам қардош дўстлар билан учрашаман деб умид қиламан. Бу учрашувлар ижодий ҳамкорлигимиз учун самарали бўлади. Янги асарлар вужудга келади деб умид қиламан.

Илос МУСЛИМ,
поир, «Еш гвардия» нашриятининг редактори.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

СОВЕТ ТРАКТОРЛАРИ КАНАДАДА

ОТТАВА, 28 май. ТАСС мухбири В. Никитин хабар беради:

Ториедо портида шундай бир ғалади манзарани кўрасиз: бўёқлари ялтйраб турган янги совет тракторларидан 50 таси уч қатор қилиб саф тортиб турибди. Совет Иттифоқининг «Мурман» кемаси буларни Канадада келтирди. Тракторларда Минск ва Владимир трактор заводларининг маркаларини кўрасиз. Булар Канаданинг «Твин лейн тракторс» фирмаси

Бутуниттифок «Тракторэкс-порт» бирлашмаси билан тузган шартномага мувофиқ харид қилинган совет тракторларининг биринчи тўни эди.

Совет машиналарининг салкам ярми сотиб бўлинди, деди фирма вакили, бу машиналар портдан тўппа-тўғри Канада фирмалари сари йўл олади. Совет тракторлари Канада фермаларида синовда бўлган. Фермерлар бу тракторларнинг техникавий ва эксплуатация шартларига юқори баҳо беришди.

АҚШНИНГ ЛАОСДАГИ АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ

ХАНОЙ, 28 май. (ТАСС). Ханойда Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар ми-нистрлигининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда АҚШнинг ЛАОСдаги агрессия ҳаракатлари қораланади.

Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Америка империалистлари халқаро ҳуқуқ нормаларига хилоф суратда «олти йилдан буюн» ЛАОС масаласи юзасидан 1962 йилда Женевда тузилган битимни сурбетларча бузиб келмоқдалар, бу мамлакатнинг суверенитети, мустақиллиги тинчлиги ва бетарафлигини беҳаёлик билан поймол этмоқдалар. АҚШ империалистлари ҳозирги вақтда бутун

Ҳинди-Хитойда уруш доирасини кенгайтирмоқдалар, бу райондаги тинчлик ва осойишталикка путур етказмоқдалар».

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, дейилади баёнотда, ЛАОС ватанпарварлар fronti илгари сурган беш моддадан иборат программани можарони сиёсий яхшилаш баргараф қилиш программасини тамомлаш қўллаб-қувватлаётганини яна бир марта тасдиқлайди. АҚШ ЛАОСнинг ишларига аралашиниш ва ЛАОСдаги агрессиясини тўхтатиш, аввало, ЛАОС территориясини бомбардиров қилишни тамомлаш ва сўзсиз тўхтатиш лозим.

АГРЕССОРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ҚОҲИРА, 28 май. (ТАСС). Кеча тушда Исроилнинг бир гуруҳи самолётлари Сувайш каналининг жанубий секторидagi Миср қўшинларининг позицияларига зарба бермоқчи бўлиб уринган пайтда Бирлашган Араб Республикаси ҳаво ҳужумида мудофиа кучлари битта «Скайхок» самолётини уриб тўширдилар.

БАР ҳарбий қўмондонлиги вакилининг МЕН агентлиги орқали тарқатилган баёнотида ўқитилишича, Америкада ишлаб чиқарилган ва ёниб кетган самолёт каналнинг шарқий қирғоғига қулаб тушган.

Вакил ўз баёнотида Миср томони талофат бермаганлигини таъкидлаган.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ
КОММУНИСТЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

БОИИ, 28 май. (ТАСС). Германия Коммунистик партияси «рансинг ўринбосари Герберт Мисс» Бундестадаги ташқи сиёсий мунозаралар муносабати билан баёнот берди.

Германия Федератив Республикаси ишчилар синфи ва аҳолисининг манфаатларига жавоб берадиган ташқи сиёсат, деб таъкидланади баёнотда, Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикасининг тинч-товуш яшашига ва Европа хавфсизлиги системасини вужудга келтиришга ёрдам бериш керак. Аммо бундестадаги мунозаралар христиан-демократик союз — христиан-социал союз вакиллари Германия Демократик Республикаси-га ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан сиёсий йўлнинг ҳар қандай тарзда ўз-

гариришига яна қарши чиққанликларини кўрсатди. Христиан-демократик союз-христиан-социал союз партияси эъро-вонлик қилиш сиёсатига амал қилмаганлиги яна аён бўлиб қолди.

Германия Коммунистик партияси, дейилади баёнотда, Германия Федератив Республикасидаги барча тинчликсевар кучларни ўнг, консерватив ва миллатчи кучларнинг ҳуружига қарши чиқишга даъват этади. Германия Коммунистик партияси Германия Федератив Республикаси ҳукуматидан Европадаги реал воқеликни сўзлагина эмас, балки, Европа хавфсизлиги системасини вужудга келтиришда қатнашиш ва Германия Демократик Республикасини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан таниш йўли билан амалда ҳам эътироф қилишни талаб этади.

Фрунзе шаҳри қардош Қирғизистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти. Бу шаҳар мамлакатимизнинг обод, хушманзара, кўркем шаҳарларидан бири. Пойтахт шаҳарида республиканинг йирик саноат корхоналари, ўқув юрлари, маданият, фан ва санъат муассасалари жойлашган. Замонавий типдаги янги турар-жойлар, саноат корхоналари, давлат муассасалари бинолари қурилиб шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Суратда: Фрунзе кўчасидаги янги турар-жой биноси.

А. Клейменов фотоси,
(ҚирТАГ) фотохроникаси.



Қирғиз шеърлари

Туманбой БОЙЗОҚОВ
ЛЕНИН
Ленин!
Бу ном юракларнинг тўрида.
Ленин!
Бу сўз тилакларнинг мўлида.
Ленин!
Бу тўғ — миллионлар байроғи.
Ленин ўзи,
Ленин сўзи —
Истикбол шамчироғи.
Ленин бизга устоз бўлиб,
Душманини енгди биз.
Ленин бизга раҳбар бўлиб,
Озодликка етди биз.
Ленин!
Бу тўғ —
Миллионлар байроғи.
Ленин йўли,
Ленин ўзи —
Тоғта етмай
Корониди
Қолганларнинг чироғи.
Одамларнинг келажаги —
Лениндан.

Замонанинг келажаги —
Лениндан.
Ленин!
Бу тўғ —
Миллионлар байроғи.
Ленин!
Лениннинг яроғи!
Қирғизчадан таржима.
Соронбой ЖУСУЕВ
**ТОҒЛАР
ШАЙДОСИМАН**
Мен севинсам, тоғларга
севинаяман,
Мен йиқилсам тоғлардан
йиқиламан.
Шунданмикин улар билан
биргаман,
Мен тоғларга меҳр қўйиб,
тикилаяман.
Ҳар бурчаги, бекиёс кўрк,
жамол.

Кўтарилсам дарага, қир
бошига,
Тўлқин уриб илҳом келар
бошимга.
Тоғлар қушни чўмилтириб
сувиға,
Ойи эса бошлайди сой
қошиға.
Ишонамайман қуйлашнинг
тоғларсиз,
Ишонамайман тоғларсиз
яшашимға.
Тоғқа чиқсам чарчамай,
тиникаман,
Тоғқа чиқсам, тўқмаймен,
қалбим жўшар.
Тоғқа чиқсам, тўлқин уриб
ўйларни,
Тоғлар дилга дом сирларин
қўшар.
Мен севинсам тоғларга
севинаяман,
Мен йиқилсам тоғлардан
йиқиламан.

Туманбой БОЙЗОҚОВ
ТОҒ СУВИ
Тўқса булут кўз ёшин.
Тоғ сувлари таллинлар.
Кумушта бўлиб тоғ бошин,
Далалар гилла ёппар.
Қўқ гўмбазни гўмбирлаб,
Чақмоқ булут оралар.
Қўқ ер кўркини соғиниб,
Емгир сочи таралар.
Тошдан-тошга урилар,
Бор кучини йиққандай,
Қўллик отиб ёппарлар,
Сув пойгага чиққандай.
Асов дарё ГЭСлардан
Юлдуз тақди Ватанга.
Тош эмас, оқ пахтадан
Тоғ яратди хирмонга.
Хирмон билан Олатоғ
Бир-биринга ярашар.
Ким баланд деб икки тоғ
Кўтарилиб қарашар.

Тўқса булут кўз ёшин
Тоғ сувлари чопқилар.
Юртим кийиб кўк бахмал,
Элга чироқ ёқилар.
Қирғизчадан НАЗАРМАТ
таржималяри.
Жолон МАМИТОВ
ҲАЁТ
Яхши кунлар юракни ўртар,
Ҳаяжоним бермайди тиним.
Атом портлар,
Шодлигим титрар.
Қақшаганча бу қайноқ таним.
Қизил олма ўт қафтим узра,
Нюм эдим мен унга ҳаёт.
Шу фалсафам тўғри юз қарра,
Ердан ҳаёт — айрилмас қават.
Шеърга солдим шу ҳаёт йўли,
Балки, дунё розилир меҳдан.
Қўёш томон чўзаяман қўлим,
Айрилмасин олма ҳам ердан.
Абдулхай НОСИРОВ,
таржимаси.

АКТИВ НАЗОРАТЧИЛАР

Областимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, қолхоз-совхозларда меҳнат қилаётган халқ нозоратчилари социалистик ишларнинг дахилсизлигини сақлашда, давлат ва меҳнат интизомини мустақамлаш ҳамда ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда катта роль ўйнамоқдалар.

Актив, ишчан нозоратчилар областимизда оз эмас. Янгийўлдаги биохимия заводи халқ контроли группасининг раиси Юсуфбой Турсунбоевни ҳамма танийди. Юсуфбой шу корхона ишга тушгандан бери меҳнат қилиб келяпти. Оддий машинистликдан катта инженергача бўлган йўлни босиб ўтган. Дўстлари унга катта ишчи билдириб, Ўзбекистон ССР

Олий Совети депутатлигига сайлашган. Ишчан инженер бу ишончини шараф билан оқлаган. Айни пайтда нозоратчиларга бош бўлиб нуқсонларга қарши ўт очляпти.

Бекобод районидagi Навоий номи колхоз халқ контроли группасининг раиси Хонзамон Турдалиев ҳам кўпчилик ҳурматини қозongan жамоатчилардан. Хонзамон ана колхозда

бухгалтер бўлиб ишляпти. Колхоз экономикасини юксалтиришда, ҳар бир сўмдан самарали фойдаланишда жонбағилик кўрсатяпти. У гуруҳа раиси сифатида қатор текширув ва режаларга қарорлиқ қилиб қамчиликларнинг оддини олиб қолляпти.

Колхозда ташкил этилган олти поста 24 киши бирлашган. Назоратчилар ишчи жамоатчи активларга таянган ҳолда ташкил этиб муваффақиятлар қўламини кенгайтирмоқдалар. Улар техника ремонтини чигит этиш даврида айниқса гайрат қилдилар. Колхознинг 1600 гектар майдонига экилган чигит ҳамма жойда хозир тўла униб чиққан. Ўзгача ишлов бериш сифати доимо нозоратчилар диққат-эътиборида турибди.

Бестоянлик районидagi 13 — «Бўстонлик» совхоз халқ контроли постининг раиси Ўзлош Сироков, «Ўзбектузоль» комбинати халқ контроли группасининг раиси Роза Винегралева, Чирчидаги 160 — қурилиш трести халқ контроли группасининг раиси Митхат Қўлаҳмедов, Олмалиқдаги В. И. Ленин номи кон — металлургия комбинати халқ контроли группасининг раиси Николай Тимбаев каби

жонқуярлар ҳам ўз участкаларида ишчи намунали ташкил этиб эл ҳурматиға сазовор бўлмоқдалар.

СССР халқ контроли комитетининг қарори билан шундай самарали меҳнат қилаётган областимиз нозоратчиларидан ўн беш киши «СССР халқ контроли органларидagi актив меҳнати учун» Фахрий нишони билан, 32 киши СССР халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Тошкент шаҳри нозоратчилардан бир гуруҳи ҳам бу мукофотга сазовор бўлди.

Яқинда актив нозоратчиларга мукофотларни топириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетини раисининг ўринбосари С. Рашидов тақдирланганларга мукофотларни топириб, улар ишига катта муваффақиятлар тилади.

СУРАТДА: халқ контроли органларида самарали меҳнат қилиб келаятганлари учун СССР халқ контроли комитетининг мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳа нозоратчиларни кўриб турибсиз.

А. Абалия фотоси.




В. И. ЛЕНИН юбилейини нишонлаш арафасида Венгриянинг Тисесадеркен шаҳрига дохйи номи қўйилди. Ленин парош мамлакатининг шимоли—шарқий қисмида жойлашган. 11 минг аҳолиси бўлган бу ёш социалистик шаҳарда улкан химия комбинати ишлаб турибди. Суратда: шаҳар чеккасида «Ленинпарош» сўзи ёзилган тахтача ўрнатилмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

1 ИЮНЬ—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ
КИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Ч.



Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган
врач.

P. — 12649

